

Бошланғич синфларда жисмоний тарбия дарсларини замонавий ёndoшувлар асосида ўқитишни такомиллаштириш

Ф.Қ.Ахмедов ЖизДПИ

Ш.Ў.Атамуродов ЖизДПИ

Аннотация

Илмий мақолада 1-4 синфларда жисмоний тарбия дарсларини ўқитишда замонавий ёndoшувлар асосида дарс сифатини ошириш, дарс ишланмаларини оптималлаштириш, дарсларни илғор тажрибаларга таянган ҳолда ўқувчиларга миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш йўлларига қаратилган.

Калит сўзи: Давлат таълим стандарти, дарс, компетенция, замонавий ёndoшувлар, дарс турлари, дарс тузилиши, педагогик талаблар, тарбия турлари, миллий қадриятлар, умуминсоний қадриятлар,

Аннотация

Научная статья направлена для повышения качества обучения 1-4 классов по физической культуре, опираясь на опыт основанна на национальной и общечеловеческой традиций.

Ключевые слова: Государственный стандартное обучения, урок, компетенция, современный опора (взгляды), тип урок, состав урока, педагогический требования, тип воспитания, национальный традицияе общий чел. традиций.

Annotation

There are main approaches in teaching P.E lesson to 1-4 gradus with the best and innovated methods the teaching lessons, according new methods and national experience.

Key words: K.W. the Education Standart, lesson plan, competence, new modern approaches, pedagogical requirements, skills of education.

2019 йил 23 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва жамиятда ўқитувчининг мақоми ва нуфузини ошириш чора-тадбирлари мавзусида бўлиб ўтган видеоселектор мажлисида мактаб таълимини ривожлантириш буюк умуммиллий мақсадга ва умумхалқ ҳаракатига айланиши, устозларга юксак ҳурмат – эҳтиром кўрсатиши жамиятимизда олий кадрият даражасига кўтариши зарур эканлиги белгиланди.

Амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларга қарамадан, таълим тизимида ҳамон муаммолар борлиги, мактабларнинг моддий – техника базаси, айрим педагогик ходимларнинг билим ва малакаси бугунги замон талабларига жавоб бермаслиги йиғилишда танқид қилинди.

Шундан кейин тегишли вазирликлар, маҳаллий ҳокимият раҳбарлари “оила – маҳалла – мактаб – олий ўқув юрти” ҳамкорлигини шакллантиришда таълим – тарбия соҳасида замонавий ва оқилона тизим яратиш, ўқитиш методлари, таълим стандартлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш зарурлиги, билим беришда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш, миллий анъана ва кадриятлар орқали таълим-тарбия сифатини оширишда мактаб-олий таълим муассасаси ҳамкорлигини йўлга қўйиш вазифалари белгилаб олинди.

Бугун умумтаълим мактаб ўқувчиларининг таълим-тарбияси ва уни амалга ошириш механизмларининг сифатига эътибор бериш, ўқувчиларни миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида тарбиялаш олдимизда турган асосий масалаларидан бири ҳисобланади.

Таълим тизимида умумий ўрта таълим 1-9 синфларни қамраб олиб, таълимнинг бу босқичи ўқувчилар учун энг масъулиятли давр ҳисобланади. Умумий ўрта таълимнинг дастлабки бўғини бошланғич таълим ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, бу даврда болаларни бошланғич компетенциялар билан қуроллантириб борилади.

Бошланғич таълимга доир барча фанлар ўқув дастурлари асосида ўқитилади, жумладан, жисмоний тарбия ҳам. Бошланғич таълимни такомиллаштириш юзасидан олиб бориладиган ишларнинг барчасида ҳам ўқувчиларнинг жисмоний тарбияси, уларнинг жисмоний ривожланиши ва саломатлиги асосий масала қилиб қўйилган.

Шу ўринда биз бошланғич синф ўқувчиларнинг жисмоний тарбиясига алоҳида тўхталишни жоиз деб билдик. Бугунги кунда бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тарбияси:

- жисмоний тарбия дарслари;
- дарсдан ва синфдан ташқари ишлар;
- мактабдан ташқари муассасалардаги жисмоний тарбия ишлари;
- оиладаги жисмоний тарбия машғулотлари шаклларида амалга оширилади.

Ўқувчилар жисмоний тарбиясининг энг асосий шакли бу жисмоний тарбия дарси ҳисобланади. Чунки дарс жисмоний тарбия машғулотларининг тизимли шакли бўлиб, синфларда белгиланган мутахассис ўқитувчилар томонидан жадвал асосида умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартига кўра ўқув дастури ўқитилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан 2017 йилда тасдиқланган жисмоний тарбия фанидан Давлат таълим стандарти ва умумтаълим мактаблари ўқув режасида бошланғич синф ўқувчиларига жисмоний тарбия дарслари асосан ҳафтасига 2 соатдан бир ўқув йилига 1-синфлар учун 66 соат, 2-3-4 синфлар учун 68 соат, шунингдек, гимнастика, енгил атлетика, ҳаракатли ўйинлар, спорт ўйинлари элементлари: баскетбол, волейбол, гандбол, футбол, шахмат каби спорт турлари ўқитилиши белгиланган.

Давлат таълим стандарти талабларига асосан бошланғич синф ўқувчиларига жисмоний тарбия фанини ўқитилишида қуйидаги талаблар белгиланган. А1 талаб:

- кун тартиби қоидаларига риоя қила олади;
- эрталабки бадантарбия ва дарс жараёнида чиниқтириш машқларини бажара олади;
- сафланиш ва юриш қоидаларини бажара олади;
- ҳаракатли ўйин турлари ва уларнинг қоидаларини билади;
- жисмоний машқларнинг инсон саломатлигига таъсирини билади;
- шахматнинг бошланғич ўйин қоидаларини билади.
- жисмоний машқларни (саф, акробатика, таяниб сакраш, мувозанат сақлаш, таяниш ва осилиш, тирмашиб чиқиш) бажаришда машқлар кетма-кетлигини бир-бири билан боғлай олади;
- машқларни бажаришда жисмоний сифатларга (чаққонлик, кучлилиқ,
- тезкорлик, эгилувчанлик, чидамлилиқ ва координацияга) эга бўлади;
- мантиқий ўйинларни (шахмат, шашка ва бошқаларни) ўйнай олади.
- жисмоний машқларни бажаришда шикастланишнинг олдини олиш қоидаларига амал қила олади;
- жисмоний машқларни бажаришдан олдин ва кейин юрак уриш меъёрини аниқлай олади;
- жисмоний машқларни бажариш жараёнида техника хавфсизлиги қоидаларига амал қила олади. [1]

Дарсларни ўтказишда ўқувчиларнинг ёши, жинси ва жисмоний тайёргарлигини ҳисобга олиб, машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бошланғич синф ўқувчиларига жисмоний тарбия дарслари қатъий кун тартиби бўйича ҳафтада 2 мартаба 45 дақиқадан ташкил этилади ва ўтказилади.

Ўқувчилар фан дастурда кўзда тутилган билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши ҳамда уларни такомиллаштиришдан иборатдир.

Педагогикада билим, кўникма, малака ва компетенцияга қуйидагича таъриф берилди.

Билим – ўрганилган маълумотларни эслаб қолиш ва қайта тушунтириб бериш.

Кўникма – ўрганилган билимларни таниш вазиятларда қўллай олиш.

Малака – ўрганилган билим ва шаклланган кўникмаларни нотаниш вазиятларда қўллай олиш ва янги билимларни ҳосил қилиш.

Компетенция – мавжуд билим, кўникма ва малакаларни кундалик фаолиятда қўллай олиш қобилияти. [1]

Жисмоний тарбияда эса бу тушунчалар қуйидагича талқин этилади:

Билим – жисмоний тарбияда ўқувчилар янги ҳаракатларга оид маълумотлар олади ва дастлабки такомиллашмаган даражадаги бажаришларни ўзлаштиради.

Кўникма – ҳаракатнинг айрим қисмларини ниҳоятда тез, аниқ ва мақсадга мувофиқ равишда бажарилиш қобилиятини ифодалайди ва у ўқувчиларда кўп марта такрорланадиган машқлар натижасида юзага келади.

Малака – ўқувчиларда жисмоний ҳаракатларни бир хил шароитнинг ўзида кўп марта такрорлаши натижасида ҳосил қилинади. [8]

Жисмоний тарбия дарси мазмуни ва ташкил этилишига кўра ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб спорт залда, махсус иншоотларда, майдончаларда, мактаб ҳовлисида, стадион йўлакларида ўтказилади, бундай жойда ўқувчиларга дарс ўтишда алоҳида шароитлар яратилади. Ўқувчиларга жисмоний тарбия дарсларида одатдаги мактаб формасида эмас, балки махсус спорт кийимларида бўлиши талаб этилади. Бунда жисмоний ҳаракатларни бажариш қулай бўлади.

Жисмоний тарбия дарслари билан боғлиқ бўлган энг асосий масалалардан бири бу дарснинг тузилишидир.

Дарснинг тузилиши – бу дарс қисмлари сони, уларни кетма – кетлиги ва мазмуни, давомийлигидир – деб таъриф бериш мумкин. [2]

Махсус илмий адабиётларда мутахассислар томонидан дарсни тузилишига турли фикрлар билдирилган. Масалан, баъзи мутахассислар дарсни кириш – тайёрлов – асосий – якуний қисмлардан иборат деб биладилар. Яна бир қатор мутахассислар жисмоний тарбия дарслари ташкилий – асосий – якуний қисмлардан иборат деб ҳисоблайдилар. [4]

Аслида, бизнингча, бугунги кунда жисмоний тарбия дарслари тузилишига кўра уч қисмдан иборат ва улар дарснинг тайёрлов қисми, дарсни асосий қисми, дарсни якуний қисми деб номланади.

Дарснинг тайёрлов қисми ўқувчиларни ҳар томонлама дарснинг асосий қисмида бажарилиши лозим бўлган асосий вазифаларга тайёрлаб олишдан иборат бўлиб, бу қисмга одатда ўртача тахминан 8 - 12 минут, баъзан кўпроқ вақт режалаштирилади.

Дарснинг асосий қисмида ўқитувчи томонидан тузилган дарс ишланмасига кўра синфда жисмоний тарбиядан ўқув дастурида белгиланган янги машқлар ўқитилади ёки аввал ўқитилган машқлар такрорланади, такомиллаштирилади зарурий назарий билимлар берилади. Жисмоний тарбия дарсларининг асосий қисми учун 25-30 дақиқа вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Дарсни асосий қисмини ташкил этиш турли хил бўлиши мумкин. Яъни жисмоний тарбия бўйича Давлат таълим стандарти ўқув дастури бўлимлари (гимнастика, енгил атлетика, ҳаракатли ўйинлар, спорт ўйинлари элементлари, шахмат)ни дарснинг асосий қисмида турли методларда ташкил этишни талаб этади.

Дарсни якуний қисми учун одатда 3-5 дақиқа сарфланади. Унда дарсни асосий қисмида ўқувчилар олган жисмоний юклама ҳолати пасайтирилади,

енгил машқлар билан яқунланади. Ўқувчилар рағбатлантирилади, лозим бўлса танбеҳ берилади, баҳоланади ва уйга вазифа берилади. Уюшган ҳолда дарс ўтилган жойдан чиқиб кетилади. Дарс қисмларининг тўғри ташкил этилиши дарснинг узлуксизлигини ва самарадорлигини таъминлашга катта имкониятлар яратиб беради.

Жисмоний тарбия дарсларини такомиллаштиришнинг яна бир усули, жисмоний тарбия дарсларини педагогик вазифаларига кўра турланишидир. Жисмоний тарбия дарсларини самарали ташкил этишда, таълим-тарбия ва соғломлаштиришнинг педагогик вазифаларига кўра жисмоний тарбия дарслари, “кириш дарслари”, “янги материалларни ўзлаштириш дарслари”, “аралаш дарслар”, “такомиллаштириш дарслари”, “назорат дарслар” “яқуний дарслар” деб турланади. [4]

Кириш дарслари – ўқув йилининг, чорақларнинг биринчи, шунингдек, ўқув чораги учун режалаштирилган дастурнинг янги бўлими бошланишидаги дарслардан иборат. Улар маъруза, суҳбат, мулоқот тарзида ҳам ташкил этилиши мумкин. Бунда ўқитувчи, масалан, ўқув дастури талаблари ҳақида, ўқувчиларга ўқув йилида қилинадиган ишлар, талаблар ҳақида маълумот бериши мумкин.

Янги материални ўзлаштириш дарси – ўқув дастурининг янги мавзулари ўзида мужассамлаштиради, олдинги ўқитилган дарсларнинг мавзуларини ниҳояси билан боғланади.

Аралаш дарслар – амалда энг кўп қўлланиладиган тур ҳисобланади. Аралаш дарс мазмунига кўра тушунтириш, ўргатиш, ўзлаштириш, мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш каби қисмларни ўз ичига олади.

Мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш дарслари – кириш, янги материалларни ўзлаштириш дарсларидан кейин ҳаракат малакалари шаклланади жисмоний машқларни мукамал бажариш мақсадида ташкил этилади.

Яқунлаш дарслари – мазмунига кўра ва педагогик вазифаси нуктаи назаридан турланаётган дарслардан бутунлай фарқланади. Бу дарсларда ўқув чораги, ўқув дастуридаги туркум дарсларга, ўқув йили давомидаги дарсларга яқун ясалади. Якуний дарслар ўқувчиларнинг билимлари ва кўникмаларини баҳолаш тарзида амалга оширилади.

Юқорида қайд этилган жисмоний тарбия дарс турларидан ташқари дарслар ташкил этилиш характерига кўра ҳам турланади: акцентли (урғули) дарслар, аралаш дарслар, мажмуавий дарслар деб номланади.

Акцентли дарслар – мазмунига кўра дастурнинг алоҳида ажратилган бўлими бўйича ташкил этиш демакдир. Яъни акцентли дарс диққат гимнастика, енгил атлетика, волейбол, баскетбол ва ҳ.к.га йўналтирилган. Дарсни ўқитиш жараёни шу бўлим материални ўрганиш, такрорлаш ёки такомиллаштиришга қаратилган бўлади.

Аралаш дарслар – мазмунига кўра ўқув дастури таркибидаги бир неча бўлим материални ўзлаштирилиб ўқитишга қаратилади. Бундай дарсларда ўқувчилар бир неча гуруҳларга бўлиниб, дарс давомида ўзлаштирмаган мавзулари устида ўқитувчи назорати ва раҳбарлигида ишлайдилар.

Мажмуавий дарслар – мазмуни ўқув дастурининг тартибидаги бир неча бўлим материаллари бўйича ташкил этилади. Яъни аниқ педагогик вазифаларга кўра бир дарсни ўзида бир неча мавзу (волейбол, енгил атлетика, кураш, гимнастика ва ҳ.к.) ўқитилади. Бундай дарслар амалда кам ташкил этилади. [3]

Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида ўқитиладиган жисмоний тарбия дарсларини ўрганиш мақсадида Самарқанд вилоятининг № 12, № 43, № 60-сонли умумтаълим мактаблари. Бухоро вилоятининг № 1, № 2, № 25-сонли умумтаълим мактаблари. Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманининг № 40, № 44, № 46-сонли умумтаълим мактаблари. Жиззах шаҳрининг № 6, № 10, № 14-сонли умумтаълим мактаблари бошланғич

синфларида олиб бориладиган жисмоний тарбия дарсларининг ўқитилишини махсус педагогик кузатишлар (сухбат, махсус сўровнома) олиб борилди.

Бунда жами: 32 та синф, 820 та ўқувчи, 18 та бошланғич синф ўқитувчилари иштирок этди. Натижада қуйидаги ҳолатлар ўрганилди. Баъзи жисмоний тарбия дарслари талаб даражасида ўтказилмаганлиги ва ўқитиладиган жисмоний тарбия дарсларида жиддий камчиликлар борлиги маълум бўлди. Булар қуйидагилардан иборат:

- аксарият мактаб раҳбариятининг жисмоний тарбия дарсларига бўлган муносабати ижобий эмас. (Жисмоний тарбия дарсларини муҳим аҳамиятга эга дарс деб ҳисобламайди).

- ўқитувчилар салоҳиятининг пастлиги, уларнинг ўзи устида ишламаслиги ёки мавжуд қоидаларга амал қилмаслиги ҳолати.

- жисмоний тарбия дарсларини ташкил этиш ва ўтказишда жиҳозларнинг етишмаслиги.

- бошланғич синфлар учун жисмоний тарбия бўйича мукамал дарсликнинг мавжуд эмаслиги.

- жисмоний тарбия дарсларини ташкил этиш ва ўтиш учун махсус иншоотларнинг етишмаслиги.

- жисмоний тарбиядан очик дарсларнинг етарлича ташкил этилмаслиги ва муҳокамага қўйилмаслиги.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз ва тавсия сифатида берамиз.

- жисмоний тарбия дарсларига оид (йиллик, чораклик, ойлик ва ҳафталик) режаларни пухта ва тўғри тузишга эришиш;

- жисмоний тарбия дарси учун зарур бўлган иншоот ва жиҳозларнинг мавжудлигини таъминлашга эришиш;

- педагогик талабларга асосан жисмоний тарбия дарсларини 3 қисмга бўлиб, ташкил этиш ва ўтказишга риоя қилиш;

- ўқитувчи томонидан дарсда ўқувчилар фаолиятини ташкил этишнинг энг тўғри самарали усулларини қўллай олишига эришиш;
- жисмоний тарбия дарсларига педагогик вазифаларни аниқ қўйиш;
- олдинги ўқитилган дарс вазифалари билан кейинги дарснинг вазифасини боғлаб дарс ўтишга риоя қилиш;
- ўқувчиларнинг ёши, жинси, жисмоний тайёргарлик даражаси, саломатлиги ҳисобга олинган ҳолда уларнинг жисмоний ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи жисмоний машқларни тўғри танлаш;
- жисмоний тарбия дарсини ўқув кун тартибидаги бошқа фанлар билан мувофиқ олиб боришга амал қилиш;
- жисмоний тарбия дарсларида тарбиянинг бошқа турларини ҳам амалга ошириб бориш зарурлигини инобатга олиш;
- жисмоний тарбия ўқитувчисининг касбий фаолиятга бўлган мотивациясини ошириш механизминини ишлаб чиқиш зарур;
- жисмоний тарбия дарсларини Давлат таълим стандарти асосида ташкил этиш ва ўтказишнинг раҳбарият томонидан назоратини олиб бориш зарур.
- миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида жисмоний тарбия дарсларини ташкил этиш ва ўтказишга эришиш.

Юқорида келтирилган тавсияларга асосан бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарсларини ташкил этиш ва ўтказиш ўзининг юқори самарасини беради ва дарс сифати таъминланади.

Адабиётлар рўйхати.

1. Умумий ўрта таълимнинг жисмоний тарбия фанидан давлат таълим стандарти ва ўқув дастури . (1-9 синф). Тошкент-2017 йил.
2. Абдуллаев А., Ш.Хонкелдиев. Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси. Дарслик - Т.: 2013 йил. 462 б.

3. Ахмедов Ф., Атамуродов Ш ва бошқалар., Бошланғич синфларда жисмоний тарбия. Услубий қўлланма. Т.: “Истиқлол”, 2013. -112 б.
4. Ахмедов Ф., Атамуродов Ш., Бошланғич синфларда жисмоний маданият дарслари. Услубий қўлланма. Т.: Турон замин зиё 2017. – 140 б.
5. Богдонов Б.П. Физические культура в начальных классах. Учебное пособие. Москва.: 1996 г. 165 с.
6. Махкамжонов К. , Хўжаев Ф., Жисмоний тарбия. 4-синф ўқувчилари учун ўқув қўлланма. Т.: 2017. -173 б.
7. Хўжаев Ф. Жисмоний тарбия 2-синф ўқитувчилари учун методик қўлланма. Т.: “Тафаккур нашриёти”, -2015.-165 б.
8. Ҳасанбоев Ж., Тўракулов Х ва бошқалар. Педагогика фанидан изоҳли луғат. Т.: “Фан ва технология”, 2009, 672 б.